# VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2020 йил январь-сентябрь ойларида чакана товар айланмаси 10 201,5 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 2,0 % га камайди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 1 218,6 млрд. сўмни (ўсиш суръати 1,6 % га камайди), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товар айланмаси 8 982,9 млрд. сўмни (97,9 % га етди), шундан, уюшмаган савдо товар айланмаси 890,4 сўмни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,3 % га камайди) ташкил қилди.

***Асосий таркиб,*** *млрд. сўм*




**Ўсиш суръатлари,** *% да*




**Таркибий қисм,** *% да*




Чакана савдо айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг жамига нисбтан 11,9 % ни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 88,1 % ни, шундан уюшмаган савдо 7,9 % ни ташкил қилган.

**Уюшмаган савдо,** *млрд. сўмда, улуши % да*



**Ҳудудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси,** *млрд. сўм*
*(2020 йил январь-сентябрь ойлари)*

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан вилоят бўйича чакана савдо товар айланмаси 10 201,5 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 98,0 % ни ташкил этди.

Вилоятимиз чакана савдо товар айланмасида Андижон туманида (104,8 %) ва Жалақудуқ тумани (102,8 %) юқори ўсиш суръати кузатилди.

**Андижон ш.**
**3 145,3**

**ЭНГ ЮҚОРИ УЛУШ**

Чакана савдо товар айланмасида энг юқори улушни Андижон шаҳри 30,8 % улуш билан 3 145,3 млрд. сўмни ташкил этди.

**Шаҳрихон** **1 293,0**
**Асака** **1 051,1**
**Қўрғонтепа** **733,3**
**Хўжаобод** **656,7**

**Андижон** **551,2**
**Балиқчи** **484,6**
**Пахтаобод** **400,5**
**Олтинкўл** **363,4**

**Марҳамат** **358,3**
**Избоскан** **288,5**

**Жалақудуқ** **264,2**
**Булоқбоши** **241,3**

**Бўстон** **178,9**
**Хонобод ш.** **112,4**
**Улуғнор** **78,8**



**ЭНГ ПАСТ УЛУШ**

Чакана савдо товар айланмасида энг қуйи улушни Улуғнор тумани 0,8 % улуш билан 78,8 млрд. сўмни ташкил этди.

## Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳажми ва ўсиш суръатлари

| | **Жами,** млрд. сўм | **2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, %** да | **Йирик корхона-лар,** (млрд. сўм) | **2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, %** да | **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик,** (млрд. сўм) | **2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, %** да |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Андижон вилояти** | **10 201,5** | **98,0** | **1 218,6** | **98,4** | **8 982,9** | **97,9** |
| Андижон ш. | 3 145,3 | 100,3 | 928,0 | 95,1 | 2 217,3 | 102,7 |
| Хонобод ш. | 112,4 | 102,3 | 16,6 | 270,9 | 95,8 | 92,3 |
| туманлар: | | | | | | |
| Олтинкўл | 363,4 | 97,6 | 17,3 | 104,3 | 346,2 | 97,3 |
| Андижон | 551,2 | 104,8 | 80,5 | 242,0 | 470,7 | 95,5 |
| Баликчи | 484,6 | 97,1 | 28,5 | 199,3 | 456,1 | 94,1 |
| Бўстон | 178,9 | 100,4 | 13,2 | 118,1 | 165,7 | 99,2 |
| Булоқбоши | 241,3 | 98,6 | 7,8 | 147,9 | 233,4 | 97,5 |
| Жалақудуқ | 264,2 | 102,8 | 8,1 | 145,6 | 256,0 | 101,9 |
| Избоскан | 288,5 | 99,4 | 9,1 | 143,4 | 279,4 | 98,5 |
| Улуғнор | 78,8 | 96,4 | 1,5 | 565,4 | 77,3 | 94,9 |
| Қўрғонтепа | 733,3 | 99,2 | 13,0 | 135,5 | 720,4 | 98,7 |
| Асака | 1 051,1 | 89,4 | 43,2 | 42,9 | 1 007,9 | 93,7 |
| Марҳамат | 358,3 | 98,3 | 10,3 | 146,1 | 348,0 | 97,3 |
| Шаҳрихон | 1 293,0 | 93,8 | 19,7 | 63,5 | 1 273,3 | 94,5 |
| Пахтаобод | 400,5 | 99,6 | 13,5 | 138,6 | 387,0 | 98,7 |
| Хўжаобод | 656,7 | 100,4 | 8,3 | 165,1 | 648,4 | 99,9 |

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан вилоятнинг Асака (89,4 %), Шаҳрихон (93,8 %), Улуғнор (96,4 %), Олтинкўл (97,6 %) ва Балиқчи (97,1 %) туманларида чакана савдо товар айланмасининг камайиш суръатлари кузатилиб, нисбатан юқори кўрсаткичлар Андижон (104,8 %), Жалақудуқ (102,8 %), Хонобод шаҳар (102,3 %) ва Бўстон (100,4) туманларида қайд этилди.

## Чакана савдо товар айланмаси таркиби

Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 1,6 % га ўсди ва 1 218,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса умумий савдо ҳажмининг 11,9 % улушига тўғри келди.

**Йирик корхоналар улуши,** *% да*




**Энг юқори улушга эга ҳудудлар,** *% да*




Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси 97,9 % ни ташкил қилди ва 8 982,9 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 88,1 % ни ташкил қилди.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши,** *% да*




**Энг юқори улушга эга ҳудудлар,** *% да*



**Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар кесимида улуши,** *% да*

Таҳлилий натижаларга кўра чакана савдо товар айланмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улушида Хўжаобод (98,7 %), Шаҳрихон (98,5 %), Қўрғонтепа (98,2 %), Улуғнор (98,1 %), Марҳамат (97,1 %) ва Жалақудуқ (96,9 %) туманлари етакчилик қилмоқда. Чакана товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг улуши 11,9 % ни ташкил этиб, энг катта улуш Андижон шаҳрида (29,5 %), Хонобод шаҳрида (14,8 %), Андижон (14,6 %) ва Бўстон (7,4 %) туманларида кузатилди.



## Андижон вилояти бўйича аҳоли жон бошига нисбатан чакана савдо товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари

2020 йил январь-сентябрь ойлари ҳолатига кўра ўртача аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 3 238,7 минг сўм (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,9 % га камайган) ни ташкил этди.

Ушбу кўрсаткич худудлар кесимида солиштирилганда энг юқориси Андижон шаҳри (7 072,8 минг сўм), Хўжаобод (5 953,6 минг сўм) ва Шаҳрихон (4 312,8 минг сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

| | **Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хажм,** минг сўмда | **2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан, %** да |
|---|---|---|
| **Андижон вилояти** | **3 238,7** | **96,1** |
| Андижон ш. | 7 072,3 | 98,5 |
| Хонобод ш. | 2 626,9 | 100,3 |
| туманлар: | | |
| Олтинкўл | 2 040,7 | 95,5 |
| Андижон | 2 089,6 | 102,6 |
| Баликчи | 2 414,6 | 95,2 |
| Бўстон | 2 478,1 | 98,4 |
| Булоқбоши | 1 689,5 | 96,8 |
| Жалақудуқ | 1 421,1 | 101,2 |
| Избоскан | 1 211,0 | 97,4 |
| Улуғнор | 1 319,5 | 94,7 |
| Қўрғонтепа | 3 392,0 | 97,4 |
| Асака | 3 200,7 | 87,5 |
| Марҳамат | 2 068,9 | 96,5 |
| Шахрихон | 4 312,8 | 91,8 |
| Пахтаобод | 2 073,8 | 97,7 |
| Хўжаобод | 5 953,6 | 98,3 |



## Уюшмаган савдо товар айланмаси*

Вилоят бўйича 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида уюшмаган савдо товар айланмаси 890,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 26,3 % га камайди. Шу жумладан, 1 - bozor ва 1 - bozor (chorva) (ойлик) кузатувлари маълумотларига асосан, деҳқон* бозорларида савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг уй хўжаликларида етиштирган маҳсулотларнинг сотиш ҳажми 359,5 млрд. сўм (ўзгариш суръати 71,1 %), чорва ва паррандалар сотувчи жисмоний шахсларнинг савдо айланмаси ҳажми 530,9 млрд. сўмни (ўзгариш суръати 75,5 %) ташкил этди.

**Асосий таркиб,** *% да*




**Ўсиш (ўзгариш) суръатлари,** *% да*




**Деҳқон бозорлар** **Чорва (парранда) бозорлари** **Уюшмаган савдо** *шу жумладан:* *Деҳқон бозорлар* *Чорва (парранда) бозорлари*

**Уюшмаган савдо**

**Деҳқон бозорлар**

**Чорва бозорлар**







**Хўжалик юритувчи субъектлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) қўшмаган ҳолда*

**Жисмоний шахслар (деҳқонлар)уй хўжалигида ўз кучи билан етиштирганқишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чорва (парранда) моллари*

## Уюшмаган савдо айланмасида деҳқон ва чорва (парранда) бозорларининг савдо айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари

| | **Жами,** млрд . сўм | **2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан, %** да | **Деҳқон бозорлари,** млрд. сўм | **2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан, %** да | **Чорва (парранда) бозорлари,** млрд. сўм | **2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан, %** да |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Андижон вилояти** | **890,4** | **73,7** | **359,5** | **68,6** | **530,9** | **73,5** |
| Андижон ш. | 165,7 | 83,6 | 106,8 | 98,3 | 58,9 | 77,1 |
| Хонобод ш. | 0,7 | 98,6 | 0,7 | 88,4 | - | - |
| туманлар: | | | | | | |
| Олтинкўл | 31,4 | 69,5 | 14,3 | 63,8 | 17,1 | 108,0 |
| Андижон | 7,6 | 70,7 | 7,6 | 80,7 | - | - |
| Балиқчи | 43,5 | 58,7 | 9,5 | 86,3 | 34,1 | 61,5 |
| Бўстон | 6,3 | 47,5 | 2,4 | 35,9 | 3,8 | 82,4 |
| Булоқбоши | 42,8 | 69,8 | 12,3 | 65,8 | 30,5 | 79,2 |
| Жалақудуқ | 31,2 | 69,5 | 6,9 | 89,4 | 24,3 | 75,6 |
| Избоскан | 8,3 | 65,2 | 3,7 | 53,8 | 4,6 | 115,6 |
| Улуғнор | 6,2 | 45,5 | 2,7 | 38,0 | 3,6 | 70,3 |
| Қўрғонтепа | 30,8 | 55,6 | 11,0 | 66,3 | 19,8 | 54,8 |
| Асака | 135,5 | 69,0 | 59,3 | 82,3 | 76,2 | 65,0 |
| Марҳамат | 65,1 | 58,7 | 24,7 | 66,7 | 40,5 | 58,1 |
| Шаҳрихон | 180,7 | 79,2 | 56,1 | 107,1 | 124,6 | 71,6 |
| Пахтаобод | 74,6 | 85,1 | 29,0 | 86,6 | 45,6 | 88,5 |
| Хўжаобод | 59,6 | 107,9 | 12,3 | 89,1 | 47,3 | 115,3 |

2020 йил январь-сентябрь ойларида деҳқон ва чорва (парранда) бозорларида, уй хўжалигида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, паррандалар ва чорва моллари савдоси билан шуғулланувчи жисмоний шахслар танланма кузатуви, дастлабки маълумотларга кўра жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган савдо айланмаси ҳажми деҳқон бозорларида 359,5 млрд. сўмни, чорва (парранда) бозорларида 530,9 млрд. сўмни ташкил этди.

## Уюшмаган савдо товар айланмаси:
## Деҳқон бозори




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг барча ҳудудларида жойлашган деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатуви ўтказилди. Кузатув натижаларига кўра савдо айланмаси ҳажми 213,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда асосий йирик ҳажм янги узилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосига (90,4 млрд. сўм) тўғри келди.

**Уюшмаган савдо товар айланмаси:**
**Чорва (парранда) бозорлари,** *млрд. сўм*




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг барча ҳудудларида жойлашган чорва (парранда) бозорларида паррандалар ва чорва моллари сотувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатуви ўтказилди. Кузатув натижаларига кўра савдо айланмаси ҳажми 530,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда асосий йирик ҳажм турли ёшдаги қора моллар савдоси 419,0 млрд. сўмни ташкил этди.

**Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмасида йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳажми ва ўсиш суръатлари**

| | Жами, млрд. сўм | 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да | Йирик корхона-лар, млрд. сўм | 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик, млрд. сўм | 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Андижон вилояти** | **122,8** | **94,4** | **1,6** | **42,5** | **121,2** | **100,1** |
| Андижон ш. | 55,1 | 102,6 | 1,6 | 42,5 | 53,6 | 110,0 |
| Хонобод ш. | 1,2 | 96,6 | - | - | 1,2 | 96,6 |
| туманлар: | | | | | | |
| Олтинкўл | 8,4 | 100,0 | - | - | 8,4 | 100,0 |
| Андижон | 10,8 | 66,4 | - | - | 10,8 | 66,4 |
| Балиқчи | 2,2 | 97,0 | - | - | 2,2 | 97,0 |
| Бўстон | 0,9 | 99,3 | - | - | 0,9 | 99,3 |
| Булоқбоши | 1,9 | 104,7 | - | - | 1,9 | 104,7 |
| Жалақудуқ | 2,8 | 101,3 | - | - | 2,8 | 101,3 |
| Избоскан | 1,8 | 101,4 | - | - | 1,8 | 101,4 |
| Улуғнор | 1,1 | 102,4 | - | - | 1,1 | 102,4 |
| Қўрғонтепа | 3,5 | 103,6 | - | - | 3,5 | 103,6 |
| Асака | 7,7 | 100,4 | - | - | 7,7 | 100,4 |
| Марҳамат | 3,9 | 104,1 | - | - | 3,9 | 104,1 |
| Шахрихон | 14,9 | 100,5 | - | - | 14,9 | 100,5 |
| Пахтаобод | 2,2 | 102,1 | - | - | 2,2 | 102,1 |
| Хўжаобод | 4,4 | 101,8 | - | - | 4,4 | 101,8 |

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларнинг савдо айланмаси 1,2 % улушни ташкил этиб, 122,8 млрд. сўмга етди ва 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 5,6 % га камайди. Бунда жами савдо айланмасининг 98,7 % улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

## Улгуржи савдо товар айланмаси

**Асосий таркиб улуши,** *% да*




**Ўсиш (ўзгариш) суръатлари,** *% да*




**Савдо айланмаси ҳажми ва улуши**




**Энг юқори улушга эга ҳудудлар,** *% да*




Вилоят бўйича 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида улгуржи савдо товар айланмаси 2 029,2 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинш шу даврига нисбатан 2,1 % га ўсди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг савдо айланмаси 930,0 млрд. сўмни (ўсиш суръати 30,8 % га ўсди), кичик бизнес субъектларининг савдо айланмаси 1 099,2 млрд. сўмни (19,3 % га камайиш) ташкил этди.

## Улгуржи савдо айланмасида йирик корхоналар, кичик бизнес субъектларининг ҳажми ва ўсиш суръатлари

| | Жами, млрд. сўм | 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да | Йирик корхона-лар, млрд. сўм | 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да | Кичик бизнес, млрд. сўм | 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Андижон вилояти** | **2 029,2** | **97,9** | **930,0** | **130,8** | **1 099,2** | **80,7** |
| Андижон ш. | 1 275,9 | 97,3 | 683,4 | 113,7 | 592,5 | 83,4 |
| Хонобод ш. | 11,7 | 97,2 | 0,8 | - | 10,9 | 90,3 |
| туманлар: | | | | | | |
| Олтинкўл | 50,1 | 81,4 | 0,2 | 145,9 | 50,0 | 81,3 |
| Андижон | 70,3 | 102,8 | 0,08 | 60,2 | 70,18 | 102,9 |
| Балиқчи | 55,8 | 63,5 | 0,2 | 143,9 | 55,5 | 63,3 |
| Бўстон | 4,9 | 84,4 | 0,05 | 70,3 | 4,81 | 84,6 |
| Булоқбоши | 12,8 | 65,5 | - | - | 12,82 | 65,5 |
| Жалақудуқ | 19,1 | 91,2 | 0,17 | 167,7 | 18,91 | 90,8 |
| Избоскан | 47,1 | 70,7 | 0,3 | 126,1 | 46,8 | 70,5 |
| Улуғнор | 14,2 | 63,9 | 0,08 | 98,5 | 14,13 | 63,7 |
| Қўрғонтепа | 127,4 | 107,2 | 106,2 | 117,2 | 21,2 | 75,1 |
| Асака | 168,1 | 257,2 | 102,3 | 1405,3 | 65,7 | 113,2 |
| Марҳамат | 5,0 | 94,0 | 0,15 | 136,6 | 4,85 | 93,1 |
| Шахрихон | 131,3 | 85,4 | 35,6 | 341,2 | 95,7 | 66,8 |
| Пахтаобод | 14,6 | 68,2 | 0,2 | 75,5 | 14,4 | 68,1 |
| Хўжаобод | 20,9 | 67,3 | 0,11 | 89,3 | 20,82 | 67,2 |

Улгуржи савдо товар айланмасида энг юқори ҳажм кичик бизнес субъектларига тўғри келиб, мазкур ҳажм 2020 йил январь-сентябрь ойлари якунига кўра, 1 099,2 млрд. сўмни ва жами улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 54,2 % ни ташкил этди.

Бу кўрсаткич худудлар кесимида таққослаганда, Булоқбоши (100,0 %), Андижон (99,9 %), Олтинлўл (99,7 %), Баликчи (99,6 %) ва Хўжаобод (99,5 %) туманларида юқори бўлган. Энг паст улуш эса Қўрғонтепа (16,6 %) туманига тўғри келди.